

Махсус иқтисодий зоналари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси

Зарубежный опыт государственной поддержки деятельности особых экономических зон.

Foreign experience of state support for the activities of Special Economic Zones

Атамуродов Бекзод Низамкулович

Тошкент давлат транспорт университети,
илмий тадқиқотчи (Тошкент, Ўзбекистон)

Атамуродов Бекзод Низамкулович

Ташкентский государственный
университет транспорта, научный
сотрудник (Ташкент, Узбекистан)

Atamurodov Bekzod Nizamkulovich

Tashkent State Transport University, scientific
researcher (Tashkent, Uzbekistan)

Аннотация:

Мазкур мақолада махсус иқтисодий зоналар тушунчасининг назарий ва иқтисодий асослари баён этилган. Махсус иқтисодий зоналар ривожланишида хорижий давлатлар сифатида Жанубий Корея ва Хитой тажрибаси мисолида таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган. Бундан ташқари ушбу мақолда махсус иқтисодий зоналари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация:

В данной статье описаны теоретические и экономические основы понятия особых экономических зон. Проанализирован опыт Китая как зарубежного государства в развитии особых экономических зон и сделаны соответствующие выводы. Кроме того, в данной статье анализируются особенности государственной поддержки деятельности особых экономических зон.

Калит сўзлар:

Инвестиция, махсус иқтисодий зона, “франко зонаси”, Киото конвенцияси, махсус савдо зоналар, илмий технология зоналари.

Ключевые слова:

Инвестиционная, специальная экономическая зона, «свободная зона», Киотская конвенция, оффшорные зоны, технологические парки, специальные торговые зоны, зоны науки и технологий.

Бугунги кунда саноати ривожланган мамлакатларда турли мақсадларни қўллаб махсус иқтисодий зоналарни вужудга келмокда.

Махсус иқтисодий зоналар борасида иқтисодий жихатдан турли туман таърифлар мавжуд. Бирлашган миллат ташкилотининг шу муаммога бағишланган ишида 20 дан ортиқ таъриф келтириб ўтилган. Биринчи марта махсус иқтисодий зона шу жумладан, эркин иқтисодий зоналарнинг ёки “франко зонаси”нинг 1973 йилда Киото конвенциясида таъкидлаб ўтилган эди.

Махсус иқтисодий зонани - давлат худудининг муайян натижаларга эришмок мақсадида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун иқтисодий фаолиятнинг преференциал шартлари, бошқарувнинг алоҳида режими ва бошқа ташкилий маъмурий тадбирларни жорий этиладиган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Ҳозирги вақтда бутун дунёда махсус иқтисодий зоналар, яъни эркин иқтисодий

зоналар ишлаб чиқилиб, уларнинг сони 5383 тани ташкил этади ҳамда буларнинг мингдан ортиғи сўнгги беш йил ичида яратилган. Махсус иқтисодий зоналарнинг энг кўп сони Осиё мамлакатларида мавжуд бўлиб, уларнинг сони 4046 тани ташкил этади (1).

Махсус иқтисодий зоналар турли вазифаларни бажариши, ўз олдига турли мақсадларни умумлаштирган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлади.

Масалан, - махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий муолажаларни соддалаштириш туфайли хорижий капитални ва илғор технологияларни жалб этиш; - тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш учун меҳнат тақсимооти афзалликларидан фойдаланиш; - мамлакат ва минтақа бюджетига валюта тушумини ўстириш; - янги иш жойларини яратиш; - ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаш соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳисобидан ишчи кучи малакасини оширишдир.

Махсус иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари тўғрисида кўплаб олимлар ўзининг изланишлар натижасида таърифлар бериб ўтишган.

Россиялик иқтисодчилардан А.Кузнецов ҳамда С.А.Рыбаков ва Н.А.Орловаларнинг келтиришича, -Эркин иқтисодий зона- хорижий товарлар ҳеч қандай божхона тўловларисиз сақланиши, сотилиши ёки харид қилиниши мумкин бўлган ҳудуд (2).

Ўзбекистонлик Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г.3 ва Россиялик Данько Т.П., Округ З.М.4, Игошин Н.В. каби муаллифлар бир овоздан, - “Эркин иқтисодий зона - бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд”- деган хулосага келишган.

Жанубий Кореялик олим Кимнинг изланишларига кўра, “Эркин иқтисодий зоналар – бу хорижий давлатлар, корхона ва фирмалар учун махсус ташкил этилган ҳудудлар бўлиб, бу ерда уларнинг корхоналари ва ишчи ходимлари ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар туфайли ўз навбатида мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда даромад олиши мумкин бўлган зоналардир. Давлат эркин иқтисодий зоналарни яратишдан мақсад бундай зоналарда бошқа ерларга қараганда кўпроқ иқтисодий шаффоф муҳит мавжудлиги ва бу орқали инвестиция оқимини ва рақобатбардош саноат ҳамда савдо-сотик хусусиятларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди”(3).

В.Паповнинг тадқиқотларига кўра, “Эркин иқтисодий зоналар шундай ҳудудларки, бу бошқа ҳудудлардан алоҳида ажратилган давлат томонидан махсус имтиёзлар ва қулайликлар берилган бу афзалликлар давлатнинг бирор бошқа ерида ёки иқтисодий тармоғида кузатилмайди”, деб таъриф беради.

Ҳозирги вақтда иқтисоди ривожланган Хитой республикасида махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш ва яратиш бўйича дунёда етакчилик қилиб келмоқда

Хитойдаги махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) хорижий инвестициялар ва технологияларни имтиёзлар орқали жалб қилиб, “иқтисодий ўсиш” ўчоқларини барпо қилиш учун мўлжалланган.



Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти экспертлари махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича ўрганган Хитой тажрибасига кўра, ушбу давлат МИЗларида ЯИМнинг 22 фоизи яратилади. Мамлакатга кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 45 фоизи ва экспортнинг 60 фоизи айнан махсус иқтисодий зоналарнинг улушига тўғри келади.

Хитойда МИЗлар дастлаб Тинч океанининг соҳилбўйи ҳудудларида, сўнгра Янцзи ва Хуанхэ каби дарёларнинг ҳавзалари яқинида ривожлантирила бошланди ва дунё иқтисодиёти тарихига “Т – шаклидаги стратегия” номи билан кирди. Ушбу стратегиянинг амалга оширилиши натижасида 2035 йилга бориб, ЯИМнинг аҳоли жон бошига улушини 30 минг АҚШ долларига етказиш мўлжалланган. Хитойда МИЗнинг жадал ривожланиши сири нимада?

1984 йилдан дастлаб денгиз соҳиллари яқинида жойлашган 15 та шаҳар ҳамда 4 та йирик шаҳарда, 2020 йилдан бошлаб эса мамлакатнинг барча йирик ва ўртача катталиқдаги шаҳарларида 15 та эркин савдо зонаси, 32 та макроиктисодий ва технологик ривожланиш зонаси, 53 та юқори технологияли саноатни ривожлантириш зонаси ташкил этилди. Натижада бу махсус иқтисодий зоналар иқтисодий ривожланиш суръатини тезлаштирувчи “акселератор” ролини ўйнай бошлади.

Маълумотларга кўра, Хитойда махсус иқтисодий зоналарнинг жадал ривожланишига қуйидаги омиллар туртки бўлгани аниқланди:

Биринчидан, МИЗ дирекциясига Марказий ҳукуматнинг розилигисиз инфратузилмани ривожлантириш бўйича мустақил қарорларни қабул қилишга рухсат берилди. Иккинчидан, МИЗдаги корхоналар ўзларининг инвестиция, инновация, ишлаб чиқариш ва маркетинг қарорларининг катта қисмини мустақил қабул қилади. Учунчидан, МИЗга хорижий инвестициялар учун махсус солиқ имтиёзлари берилган ва уларнинг маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилган. Тўртинчидан, МИЗда иқтисодий фаолият асосан бозор тамойиллари асосида бошқарилади ва уларга халқаро савдода катта мустақиллик берилган. Бешинчидан, 2019-2020 йилларда Хитойда 24 та янги трансчегаравий электрон-тижорат зоналари очилди. Олтинчидан, Хитойдаги МИЗ асосан юқори технологияли саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Бундан ташқари, **Япония**да алоҳида иқтисодий мақомга эга зоналарни яратиш ва улардан фойдаланиш “Валюта айирбошлаш ва ташқи савдо тўғрисида”, шунингдек, “Японияга импортни рағбатлантириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонунлар асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, 2002 йил декабр ойида “Тузилмавий ислохотлар билан боғлиқ махсус зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Эркин импорт зоналари - Савдо балансини тенглаштириш ва минтакалар иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш учун эркин импорт зоналари ташкил этилди. Дастлаб улар логистика инфратузилмаси, омборхоналар, улгуржи ва дизайн марказлари, кўргазма павилёнлари ривожланган йирик денгиз ва аэропортлар яқинида шаклланган. ЭИЗларда инвесторларга имтиёзли солиқ режими тақдим этилади. Хусусан, кўчмас мулк сотиб олиш солиғи, асосий воситалар солиғи, ер



участкасига бўлган мулк учун махсус солиқ (ундан тўлиқ озод этилгунга қадар), шунингдек, бинолар ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини амортизация қилишда имтиёзли шартлар белгиланди.

Саноат инфратузилмасини такомиллаштириш жамғармаси саноат инфратузилмасида фаолият юритувчи корхоналарга бинолар ва ускуналар сотиб олиш, шунингдек айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар бўйича кафолатлар беради. Кичик ва ўрта компаниялар шу каби кредитлар бўйича имтиёзли суғурта шартларини олиш имкониятига эга ҳисобланади.

Ҳозирда Японияда 22 та префектура ёки шаҳар даражасидаги ЭИЗ фаолият юритмоқда. Ибараки, Эхиме, Кобе, Китаюшу, Окаяма мамлакатларида энг қулай солиқ шароитлари яратилган.

Бир қатор зоналарда, масалан, Ёкогама, Осака, Кавасаки, юклаш ва тушириш ёки бошқа ишлар тугагунига қадар тўловларнинг бир қисмини кечиктириш мумкин.

Шу билан бирга, Японияда иккита турдаги ЭИЗ мавжуд бўлиб, булар технополислар ва импортни ривожлантириш зоналари ҳисобланади. 1980 йилда Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги Технополис концепциясини тақдим этди. Бу юқори технологияли саноат, илм-фаннинг кенг яшаш жойлари билан мувозанатли ва органик комбинатциясини таъминлашдан иборат бўлади. Япония технополисларини яратишнинг энг муҳим мақсадларидан бири Тинч океани зонасидан ташқарида жойлашган ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш иборат эди.

Шунга мувофиқ дастур қуйидаги мақсадларни кўзланган эди. Жумладан;

- саноатни марказдан чекка ҳудудларга қайта тақсимлаш;
- маҳаллий олий ўқув юртларида илмий ходимлар фаолиятини фаоллаштириш орқали илмий тадқиқотларни фаоллаштириш;
- саноатни билим талаб қиладиган ва энергия тежовчи технологияларни ривожлантиришга йўналтириш.

Бу мақсадлар эса асосий воситаларнинг жадал эскириши ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади. Масалан, юқори технологияли корхоналарга фойдаланишнинг биринчи йилида асбоб-ускуналар қийматининг 30 фоизини ва бино ва иншоотлар қийматининг 15 фоизини ҳисобдан чиқаришга рухсат берилади.

1990 йилда Япония технополис дастурининг биринчи босқичи якунланди. Энг муҳими ушбу 10 йил ичида янги илмий, ишлаб чиқариш ва ахборот инфратузилмаси элементлари яратилди, юқори технологияли тадқиқот марказлари ҳамда юқори даражадаги ахборот тизимлари қурилди ва илмий ишланмалар фаоллаштирилди, технополисларни ривожлантириш учун маҳаллий фондлар яратилди. Япония технополисларининг биринчи босқичининг натижаси 1991 йилда мамлакат Ташқи савдо ва саноат вазирлиги технополисларни ривожлантиришнинг умумий йўналишини тўғрилаб, вилоятда ишлаб чиқариш, фан ва таълим уйғунлиги асосида юқори технологияли саноатни жойлаштиришни рағбатлантиришга ишора қилди. Технополис ҳудудларида тортишиш марказини четдан фирмаларни жалб қилишдан маҳаллий фирмаларни қўллаб-қувватлашга ўтказиш керак эди.

Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органларига савдо, инвестициялар,



инновациялар ва инфратузилма масалалари бўйича мустақил қарорларни қабул қилиш ваколатини, шунингдек, солиқ ва божхона имтиёзларини бериш ҳамда худудлараро тизимли жойлаштириш каби жиҳатларига эътибор қаратишни тавсия этиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. http://www.tamognia.ru/doc_base/document.php?id=1571053
2. <https://neftegaz.ru/tech-library/economy/147977-spetsialnaya-ekonomicheskaya-zona>.
3. "Special economic zone | Chinese economics". Encyclopedia Britannica. <https://www.britannica.com/topic/specialeconomic-zone>. 3 Wei & Ye, 2004
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
5. “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон.
6. Кузнецов А. Свободные зоны и национальная экономика // Мировая экономика и международные. отношения. - 1990. - N 12. - С. 24